


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A410202 – Ўсимликиunosлик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат аграр университети;
- Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» август даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> магистратура мутахассислигининг умумий талаблари.....	4
1.1	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи	4
1.2.1.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.1.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	8
3.2.	<i>5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)</i> магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми.....	9
	Библиографик маълумотлар.....	11

5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи

5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.**

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- магистратура мутахассислигининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган бакалаврият битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:

5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги – қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мутахассислик бўлиб, Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, марказлари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот фаолиятини юритиш, давлат бошқаруви органлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари Кенгаши ва унинг ҳудудий бўлимлари, турли мулкчилик шаклидаги корхоналарида ва бошқа ташкилотларда мутахассисликка оид комплекс масалаларни ҳал этиш, шунингдек қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, истикболини белгилашга, касбий кўникмага, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:

- дала экинлари ва уларнинг навлари;
- лаборатория, лизиметрик, вегетацион ва дала тажрибалари;
- дала экинлари маҳсулотлари, уруғлари;
- ноанъанавий ўсимликлар интродукцияси;
- уруглик экинзорлар ва уруғчилик жараёни;
- дала экинларини етиштириш технологияси;
- етиштирилган ҳосилга бирламчи ишлов бериш ва сақлаш технологияси;
- ўсимликшунослик соҳасидаги ишлаб чиқариш фаолияти ва унинг сифати бўйича давлат ва ҳудудий бошқаруви ва назорати;
- фермер хўжаликлари ва бошқа шаклдаги мулк ва хўжалик юритиш субъектларидаги ишлаб чиқариш жараёнлари;
- илмий тадқиқот жараёнлари;
- ўқув жараёнлари ва ўқув тизимлари;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- ўсимликшунослик соҳасида ихтисосликка мос мавзулар ва лойиҳалар.

1.2.3. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- лойиҳа-технологик фаолияти;
- сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- консалтинг хизмати фаолияти.

1.2.4. 5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:

5A410202 – Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир болиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш;
- илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш қобилиятига эга бўлиши лозим.
- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;
- ечилаётган илмий муаммолар ва топшириқларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;

Ишлаб чиқариш фаолиятида:

- ишлаб чиқариш фаолияти натижалари бўйича маълумотларни қайта ишлаш усулларида фойдаланиш ва мониторингини олиб бориш;
- фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига тадбир этиш;
- иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни баҳолаш;
- амалий фаолиятда инструментал воситаларни ва ишлаб чиқариш муҳитини такомиллаштириш;

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика қоидаларига риоя қилиш;

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);

- умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб бакалаврият ва магистратура ўқув режаларида ўзлаштирилган фанлар доирасида назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва бошқа соҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг Давлат таълим стандартлари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш;

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- дала экинларининг энг серҳосил навларини танлаш, етиштириш технологиялари ҳамда кўпайтириш усуллари бўйича фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгаларига маслаҳат бериши;
- ўсимликшуносликда инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тузиши
- магистр ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш *қобилиятига эга бўлиши лозим.*

2. 5A410202 – Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий қўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

2.2. Касбий компетенциялар:

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хулосалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳрир қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва ношароит ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- дала экинларига ишлов бериш технологиясини, ҳосилни йиғиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни юқори малакага таянган ҳолда ҳал қилиши;
- ўз соҳаси бўйича касбий билимларини амалда қўллаши, индивидуал ва гуруҳларда ишлаши;
- фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида ўсимликшунослик соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши, қишлоқ хўжалиги соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши;
- ўсимликшунослик соҳасидаги амалий дастурий воситаларини қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаши;
- билим ва маҳоратларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш сифатини таъминлаш ва уларни бошқаришда қўллаши;
- ўсимликшунослик соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиши;

- дала экинлари маҳсулотларини етиштириш учун ресурстежамкор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жорий қилиши;
- туңроқ унумдорлигини ошириш ҳисобига экинлардан барқарор, сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириши;
- мустақил равишда илмий-тадқиқот олиб бориш, дала, лаборатория ва вегетацион тажрибалар ўткази олиши;
- илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиши;
- замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши;
- махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириши;
- ўқув-услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машгулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув ишчи фан дастурларини, календар режа талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиши ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлаши;
- ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.

2.3. Касбий квалификациялар:

Агроном, бош агроном, агроном-назоратчи, картошкачилик бўйича агроном, шоличилик бўйича агроном, мойли экинлар етиштириш бўйича агроном, дончилик бўйича агроном, ем-хашак етиштириш бўйича агроном, пахтачилик бўйича агроном, техник экинлар етиштириш бўйича агроном, сабзавотчилик ва поллизчилик бўйича агроном, анорчилик бўйича агроном, доривор ўсимликлар етиштириш бўйича агроном, бош тамакишунос, кичик илмий ходим, катта илмий ходим, кичик давлат назоратчиси, ИТИ илмий котиби. ўрта-махсус ва олий таълим таълим муассасаларида ўқитувчи, профессор ёрдамчиси, катта ўқитувчи, ишлаб чиқариш амалиёт раҳбари, лойиҳа раҳбари, лаборатория раҳбари, катта мутахассис, катта эксперт, ўсимликшунос (экинлар гуруҳлари бўйича), участка бошлиғи, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи, дала тажриба станцияси бошлиғи, агрофирма директори, хўжалик директори (бошлиғи), бўлим бош мутахассиси (кишлоқ хўжалиғи), боғ-парк хўжалиғи муҳандиси, Иссиқхона хўжалиғи мудир, кишлоқ хўжалиғи ёрдамчи хўжалиғи мудир, оранжерия мудир, бош титестер квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

3. 5A410202 – Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар **Умумиёғодологик фанлар блоки:**

- миллий ғоя Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси бўйича билимлар берилиши;
- илмий ижод ва тадқиқот методологиясининг асослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, илмий қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва таҳлил қилиш, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;
- педагогик технологиялар, педагогик маҳорат, нутқ маданияти асослари, таълимнинг тамойиллари ва замонавий усуллари юзасидан асосий билимларни таъминлаши;
- мутахассисликка доир бошқа долзарб илмий, илмий-методологик, илмий-техник ахборот ва билимларни, кўникма ва ўқувларини шакллантириши;
- амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши.

Мутахассислик фанлари блоки:

- муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;
- мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;
- магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Танлов фанлари блоки:

Мутахассислик фанларини ўқитиш услуги билими билан таъминлаш; Магистрантларни истемолчилар ва бошқаларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, мутахассислик фанларнинг замонавий техника ва технологиялар бўйича эришган ютуқлари бўйича қўшимча маълумотлар билан таъминлаш.

Илмий фаолият блоки: илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:

- мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;
- ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва ақс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;
- талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўлай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларида фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш уқуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, аграр соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Стажировка илмий тадқиқот ишлари тақозо этганида индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

3.2. 5A410202– Ўсимликишунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралик ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув давлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
<i>Шу жумладан, мустaqил таълим</i>	-
Аттестациялар	9%
Таътиллар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Ўсимликшунослик, пахтачилик, дончилик, мойли, ем-хашак ва техник экинлар, соя, малака талаблари, магистратура, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий тадқиқот иши, илмий-педагогик иш, илмий семинар, илмий амалиёт (стажировка), магистрлик диссертацияси, баҳолаш, кредит-модул тизими, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, кадрларга талаб, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети



Ректор [Signature] **Б.А.Сулаймонов**

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

**Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш маркази**

Директор [Signature] **З.Хакимов**

2020 йил « 20 » июль

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

**Пахта селекцияси, уруғчилиги ва
етиштириш агротехнологиялари илмий-
тадқиқот институти**

Директор [Signature] **А.Равшанов**

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

**Ўсимликлар генетик ресурслари
илмий-тадқиқот институти директори**

Директор [Signature] **А.А.Аманов**

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Пахтачилик ва техник экинлар
бошқармаси**

Бошлиқ [Signature] **А.Шамсиев**

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ғаллачилик, дуккакли дон ва мойли
экинлар бошқармаси**










Бошлиқ [Signature] **Қ.Тўракулов**

2020 йил « 30 » июль

М.Ў.

5A410202- Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи

Ишчи гуруҳ таркиби

т/р	Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш.	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
Раис			
1	Х.Алланов	Агробиология факультети декани, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент	
Аъзолари:			
2	С.Жўраев	Агробиология факультети ЎУК раиси, ишчи гуруҳ раиси ўринбосари, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент	
3	Б.Носиров	Дехқончилик ва мелиорация кафедраси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент	
4	Ж.Худойкулов	Ўсимликшунослик кафедраси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент	
5	Ф.Намозов	Соя ва мойли экинлар кафедраси мудир, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим	
6	Х.Атабаева	Соя ва мойли экинлар кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор	
7	У.Норкулов	Дехқончилик ва мелиорация кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор	
8	Б.Азизов	Ўсимликшунослик кафедраси профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент	
9	А.Қурбонов	Соя ва мойли экинлар кафедраси ассистенти	

Ўқув ишлари бўйича проректор



С.Я.Исламов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига
киритиладиган кадр истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий
фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

Т.р.	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5410200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича)	<p>Битирувчи қўйдаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дала экинларини етиштириш соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаш; - дала экинларини етиштириш соҳасидаги билимларни эгаллаш; - билимлари ва маҳоратларидан сифатни таъминлаш ва бошқаришда фойдаланиш; - дала экинларини етиштириш соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиш; - дала экинларини етиштириш учун энг юқори ва сифатли маҳсулот берадиган ўсимлик турларини, навларини танлай олиш; - тупроқ-иқлим шароити ва дала экинларининг биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда экинларни тўғри жойлаштириш; - дала экинларини етиштиришда алмашлаб экишни илмий асосда олиб бориш; - дала экинларини етиштиришнинг самарали усулларини танлаш ва ташкил этиш; - мўл ва сифатли маҳсулот берадиган экинларни етиштириш ҳамда ҳосилини йиғиштиришнинг технологик харитасини тузиш; - дала экинларини кўпайтириш ва етиштиришда ресурстежамкор инновацион технологияларни қўллаш; - тупроқнинг сув, ҳаво, иссиқлик ва озик режимларини бошқариш; - дала экинларининг уруғини ва кўчатларини етиштириш; - дала экинларини етиштиришда касаллик ва зараркунандаларни аниқлаш, уларга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш; - дала экинларини етиштириш ва маҳсулотга дастлабки ишлов бериш; - дала экинларини етиштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар, экиладиган материаллар, қадоклаш идишлари ва бошқа материалларни ҳисоблай билиш; - ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилишининг сифатини назорат қилиш; - дала экинларини етиштиришда техника ва технологияларни татбиқ қилишда намунавий методикалардан ва техник воситалардан фойдаланиш;

			<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқаришда дала экинларини етиштириш технологиялари ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлигини ҳисоблаш ва баҳолаш; - дала экинларини етиштириш бўйича ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларни режалаштириш; - дала экинларини замонавий етиштириш технологияларини ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш; - бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш; - дала экинларининг тавсия этилаётган янги турлари, навлари ва уларни етиштиришнинг агротехник усулларини ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этиш; - дала экинларини етиштириш учун агротехнологияларни такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва уларни ишлаб чиқаришда қўллаш; - меҳнат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усулларини қўллаш; - дала экинларини етиштиришда ер, сув, техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш; - атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳаёт фаолияти ҳавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликларни олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни билиш; - иш сифати учун масъулиятни ҳис қилиш, ўз билимлари ва маҳоратларидан сифатни бошқариш бўйича фойдалана олиш; - инновацион ғоялардан фойдаланишга тайёр бўлиш.
2.	5A410201	Агрономия	<p>Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - агрономия соҳасидаги касбий билимларини амалда қўллаши; - индивидуал ва гуруҳларда ишлаши; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида агрономия соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши; - қишлоқ хўжалиги соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши; - агрономия жумладан, умумий деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик мелиорацияси соҳасидаги амалий дастурий воситаларини қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаши; - билим ва маҳоратларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш сифатини таъминлаш ва уларни бошқаришда қўллаши; - агрономия соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиши;

			<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун ресурстежамкор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жорий қилиши; - тупрок унумдорлигини ошириш ҳисобига экинлардан барқарор, сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириши; - мустақил равишда илмий-тадқиқот олиб бориш, дала, лаборатория ва вегетацион тажрибалар ўтказа олиши; - илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиши; - илмий-тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаши; - замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши; - махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириши; - мутахассислик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиши; - ўқув-услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув ишчи фан дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиши ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлаши; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиши; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
3.	5A410202	Ўсимликшунослик (экинлар гуруҳлари бўйича)	<p>Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - дала экинларига ишлов бериш технологиясини, ҳосилни йиғиш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни юқори малакага таянган ҳолда ҳал қилиши; - ўз соҳаси бўйича касбий билимларини амалда қўллаши; - индивидуал ва гуруҳларда ишлаши; - фан ва техниканинг замонавий ривожланиш шароитларида ўсимликшунослик соҳасидаги янги билимларни тезкор эгаллаши; - қишлоқ хўжалиги соҳасида тезкор қарорлар қабул қилиши; - ўсимликшунослик соҳасидаги амалий дастурий воситаларини қишлоқ хўжалиги амалиётида қўллаши;

			<ul style="list-style-type: none"> - билим ва маҳоратларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш сифатини таъминлаш ва уларни бошқаришда қўллаши; - ўсимликшунослик соҳасидаги фаолияти натижаларини тўғри баҳолай олиши; - дала экинлари маҳсулотларини етиштириш учун ресурстежамкор инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жорий қилиши; - тупроқ унумдорлигини ошириш ҳисобига экинлардан барқарор, сифатли ва арзон маҳсулотлар етиштириши; - мустақил равишда илмий-тадқиқот олиб бориш, дала, лаборатория ва вегетацион тажрибалар ўткази олиши; - илмий ҳамда илмий-техник адабиётларни ўрганиш, тизимли мустақил таҳлил тайёрлаш ва тадқиқот мавзуларига хулосалар бера олиши; - илмий-тадқиқот натижаларини умумлаштириш, замонавий ахборот-коммуникацион технологияларини қўллаган ҳолда илмий нашрларни тайёрлаши; - замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялар, ўқув тарбиявий фаолиятнинг интерактив методларини қўллаган ҳолда педагогик фаолиятни олиб бориши; - махсус фанларни ўқитиш методикасидан фойдаланиш ва уларни такомиллаштириши; - мутахассислик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиши; - ўқув-услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув ишчи фан дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиши ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлаши; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиши; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
4.	5A410203	Органик деҳқончилик ва озик овқат хавфсизлиги	<p>Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабаларни мутахассислиги бўйича магистр янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> - атроф-муҳитни ўраб турган органик олам тўғрисида тасавурга эга бўлиши; - органик деҳқончилик ва озик-овқат хавфсизлиги омилларини билиши; - органик деҳқончилик ва озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда инновацион технологияларни қўллай олиши; - органик деҳқончилик қилинадиган тупроқларни хусусиятларини билиши; - органик деҳқончилик ва алмашлаб экишни илмий асосда олиб бориши;

		<ul style="list-style-type: none"> -органик ва сидерат ўғитларни, компостларни ва ҳар хил органик аралашмаларни қўллашни билиши; -биологик ва микробиологик асосда яратилган ўғитлардан фойдалана олиши; -дала экинлари етиштиришда ресурстежамкор технологиялардан фойдалана олиши; -ўсимлик касаллик ва зараркундаларига қарши биологик кураш йўлларини қўллай олиши; -ўсимликларни илдизидан ташқари озиклантириш асосларини эгаллаши -органик деҳқончиликда дала экинларини етиштиришнинг самарали усулларини танлаш ва қўллай олиши; - ўсимликларни озиклантиришда вермикультура маҳсулотларини ва уларни ахамиятини билиши; -тупроқ, сув ва маҳсулотлар сифатини назорат қилишни билиши; -экологик, биологик хилма-хиллик ва экологик барқарорликни таъминлашни билиши; -мутахассислик фанлари бўйича маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини олиб бориши, ўқув-таништирув, ишлаб чиқариш-технологик малака амалиётларига раҳбарлик қилиши; - ўқув-услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари, амалиёт ва лаборатория машғулотларидан қўлланмалар, тарқатма материаллар, ўқув ишчи фан дастурларини, календар режа, талабалар билимини рейтинг назорати жадвалини тузиши ва бошқа ўқув-услубий ҳужжатларни тайёрлаши; - талабалар билимини назорат қилишда рейтинг тизими Низомидан тўғри фойдаланиши; - ўз мутахассислик фаолияти ва бошқа турдош касбларга самарали мослаша олиши керак.
--	--	--



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Пахтачилик ва техник экинлар бошқармаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
Ғалличилик, дуккакли дон ва мойли экинлар бошқармаси бошлиғи

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш
агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти директори

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти директори

Ш.Жоникулов




А.С.Шамсиев




Қ.Тўракулов




А.Э.Равшанов

А.А.Аманов



Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва баллиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Қибрай тумани

“30” ИЮЛЬ 2020 йил

Қатнашдилар: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиғи - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгаши раиси - А.Хаитов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раиси – Ш.Абдуразақов, Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўқув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи – И.Султонова, “Ўзбекбаликсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Қурбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаши раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёхимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Ғалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Қувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни химоя қилиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиэкиллари ва картошқачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иқтисодиёти илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтини директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзақов, Самарқанд ветеринария медецинаси институти ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўқув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўқув-услубий бошқармаси бошлиғи-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

